



**Adliya vazirligi**

(ru'yatdan o'tkazuvchi organing nomi)

**Nodevlat notijorat tashkilotini davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida**

**GUVOHNOMA**

428o -son 2023-yil « 15 » - Dekabr

Nodevlat notijorat tashkiloti nomi: CYBENKISTIN KASABA IRLISHXALARI FEDERATSIVASI

Respublika hududi: Respublika NHT

(qo'shimcha ma'lumotlar uchun qo'shimcha ma'lumot berilgan bo'lsa)

Tashkiliy-huquqiy shakli: JTO-Jamoa, birlashma

(shirkat, jamoat, tashkilot, jamoa, birlashma, uyushma, uyushma va boshqalar)

KTU#: 0004401

STIN: 201805880

Faoliyatining asosiy maqsadi: Federatsiyaga a'zo tashkilotlarning ustav vazifalarini bajarishda qo'sh  
hissasini o'ynash, shuningdek, umumiy manfaatlarini ifodalash va himoya qilish, amaliyot  
qonunchilik doirasida olingan hisobiy hisobotlarini ta'minlashdan iborat

Qo'shimcha ma'lumotlar: \_\_\_\_\_

Vazir o'rinbosari



MUXAMMADIYEV NURMON

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
“КАЙТА ДАВЛАТ  
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ”

Ўзбекистон касаб уюшмалари  
Федерацияси IX Қурултойининг  
2025 йил 1 ноябрдаги IX-12-сон  
қарорига илова



Йил "15" ноябрь  
4282

## I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1.1. Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси (*кейинги ўринларда Федерация деб юритилди*) – касаб уюшмалари томонидан ихтиёрийлик асосида тузилган, даромад (фойда) олгани ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олгани даромадларни (фойдани) ўз аъзолари ўртасида тақсимламайдиган уюшма ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги Бирлашма ҳисобланади.

1.2. Федерация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Касаб уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар, шунингдек, Федерация таъсис шартномаси ва ушбу Устав асосида амалга оширади.

1.3. Федерация ўз тузилмаси, фаолиятининг мақсад, шакл ва услубларини белгилашда эркиндир, мустақил равишда ўз органларини шакллантиради ва иттифоқчи ходимлар ашпаратини тузади.

1.4. Федерация ўзининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ бошқа мамлакатларнинг касаб уюшмалари билан ҳамкорлик қилади, халқаро ва бошқа касаб уюшмалари бирланмаларига, ташкилотларига аъзо бўлиб кириши ва аъзоликдан чиқиши мумкин.

1.5. Федерация ўз фаолиятида давлат органлари, иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари, нодавлат ноғижора ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

1.6. Федерация ўз фаолиятида, шу жумладан, моллиявий фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақилдир, улар олдида ҳисобдор эмас ҳамда улар томонидан назорат қилинмайди, бунидан қонунда шартда тўтилган ҳоллар мустасно.

1.7. Федерациянинг қомламини:

**Ўзбек тилида:** Ўзбекистон касаб уюшмалари федерацияси; қисқартмаси – ЎКУФ;

**рус тилида:** Федерация профсоюзоз Узбекистана; қисқартмаси – ФПУ;

**инглиз тилида:** Federation of Trade Unions of Uzbekistan; қисқартмаси – FTUU.

1.8. Федерациянинг доимий фаолият юритувчи раҳбар органининг жойлашган ери (почта манзили): 100029, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.

## 2. ФЕДЕРАЦИЯНИНГ МАКСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Федерация аъзо ташкилотларнинг устан вазифаларини бажаришдаги саъй-харакатларини мувофиқлаштириш, шунингдек, умумий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, амалдаги қонунчилик доирасида уларнинг ҳуқуқий қаролатларини тўғрилаш мақсадида тузилган.

2.2. Федерация ўз мақсадларига эришиш учун қуйидагиларни амалга оширади:

- Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқади, аъзо ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади;
- уч томонлама ижтимоий мулоқот ва меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни амалга оширишга ва ривожлантиришга кўмаклашади;
- Федерация, уни берувчиларнинг Республика бирлашмалари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида тузиладиган Бош жамоа келишувини, шунингдек, аъзо ташкилотларнинг манфаатларига жаноб берадиган бошқа келишувларни ишлаб чиқиш ва тузиш ташаббуси билан чиқади, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишда иштирок этади;
- ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига таъсирли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;
- меҳнатга, ижтимоий-иқтисодий масалаларга ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини амалга оширади;
- ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ходимларнинг муносиб турмуши ва ижтимоий ҳимоясини тўғрилайдиган шароитлар яратиш, гуманитар масалаларни ҳал этиш, аҳоли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- хорижий давлатларнинг турдош касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари билан алоқаларни йўлга қўйишда аъзо ташкилотларга кўмаклашади;
- таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларини ташкил қилади, касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларини ўқитиш ҳамда малакасини ошириш ишларини ташкиллаштиради;
- касаба уюшмалари аъзолари, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларини ташкил этади;
- маданият, туризм, оммавий жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини, санаторий ва курортларда даволаш, болаларни соғломлаштириш ва ўз олдирини ривожлантириш масалаларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви организицияси берувчилар ва фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳаракатланади.





### 3. ФЕДЕРАЦИЯГА АЪЗО ТАШКИЛОТЛАР, УЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Федерациянинг таъсисчилари, шунингдек ушбу уставда белгиланган тартибда Федерация таркибига қабул қилинган қасаба уюшмалари Федерациянинг аъзо ташкилотларидир.

Аъзо ташкилотлар тармоққа мансублигидан, ҳудудий жойлашувидан ёки бошқа белгисидан катъи назар тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

3.2. Федерацияга янги аъзо ташкилотларни қабул қилиш ҳақидаги қарор Федерация Ижроия қўмитаси номига ёзилган ариза асосида қабул қилинади.

Аризага аъзоликка кирмоқчи бўлган ташкилотнинг коллегиял органи қарори, Устави ва давлат рўйхатидан ўтказилгани ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аъзолар сони ҳақидаги маълумот илова қилинади.

3.3. Федерацияга қабул қилиш рад этилганда бу масала юзасидан аъзоликка кирувчи ташкилот Федерация Бош кенгашининг навбатдаги мажлисига мурожаат қилиши мумкин.

3.4. Аъзо ташкилотларнинг уставлари Федерациянинг таъсис ҳужжатларига зид бўлмаслиги керак.

#### 3.5. Қуйидаги ҳолларда Федерацияга аъзолик тўхтатилади:

- аъзо ташкилот тугатилганда;
- аъзо ташкилот Федерация таркибидан чиққанда;
- аъзо ташкилот Федерация аъзолигидан чиқарилганда.

3.6. Аъзо ташкилотнинг Федерация таркибидан чиқиши тўғрисидаги қарорни фақат унинг Қурултойида қабул қилиниши мумкин.

Аъзо ташкилотнинг Федерация таркибидан чиқиши масаласи кун тартибига киритилган Қурултойи ўтказилиши тўғрисида аъзо ташкилот Федерацияни камида бир ой олдин расман ёзма равишда хабардор қилиши керак. Ушбу Қурултойда Федерация вақили иштирок этини ҳақлидир.

Аъзо ташкилотнинг Федерация таркибидан чиқиши тўғрисида юқорида келтирилган ва тармоқ қасаба уюшмасининг уставида белгиланган тартибда қабул қилинган қарор у қабул қилинган санадан кўпи билан бир ой ичида Федерацияга ушбу аъзо ташкилотнинг расмий хати билан тақдим этилиши лозим.

3.7. Федерациядан чиқиш ҳақидаги қарор уч ой муддатда Федерация Ижроия қўмитаси томонидан кўриб чиқилади ва қабул қилинган қарор нусхаси 3 (уч) иш кунли давомида ариза берувчига юборилади. Бунга қадар аъзо ташкилот Федерациянинг таъсис ҳужжатлари талабларини бажаришига мажбур.

3.8. Федерациянинг таъсис ҳужжатлари талаблари ва Федерация коллегиял органи қарорларини бажармаётган, Федерацияга аъзолик бадалини тўламаётган (аъзолик бадалини тўлаш ўрнатилган тақдирда) аъзо ташкилот Федерация Ижроия қўмитасининг қарорига билош Федерация аъзолигидан чиқарилиши мумкин.



Агар қарорда аъзоликдан чиқаришнинг янги санаен кўрсатилмаган бўлса, қарор қабул қилинган кундан бошлаб аъзо ташкилот Федерация аъзолигидан чиқарилган ҳисобланади.

Федерация аъзолигидан чиқаришга сабаб бўлган омидалар (сабаблар) бартараф этилган ҳолда ташкилот ушбу Уставнинг 3.2.-бандида кўзда тутилган тартибда қайтадан Федерация аъзолигига қабул қилиниши мумкин.

Бунда аъзоликдан чиқаришга сабаб бўлган омидалар (сабаблар) бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжат (ҳужжатлар) тақдим этилиши лозим.

Икки ёки ундан ортиқ аъзо ташкилотлар қўшилганда уларнинг ҳуқуқий вориси Федерациянинг аъзо ташкилоти бўлиб қолади.

Аъзо ташкилотни бўлиниши натижасида янги ташкилот этилган касаба уюшмаси (уюшмалари) ушбу уставнинг 3.2.-бандида белгиланган тартибда Федерацияга аъзоликка қабул қилинади.

### 3.9. Аъзо ташкилотларнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- Федерациянинг таъсис ҳужжатларига ва дастурий ҳужжатлари принципларига ишда қолмайдиган дастурий ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш;

- ўз вакилларини Федерациянинг Бош кенгаши таркибига сайлаш, уларни чақириб олиш ва янгиларини сайлаш;

- Федерация органларига касаба уюшмалари фаолиятининг ҳар қандай масалалари бўйича мурожаат қилиш, тушунтириш ва ахборот олиш;

- фаолиятига доир ҳужжатлар лойиҳаларини Федерация органларига кўриб чиқиш учун киритиш;

- ўз вакиллари орқали Федерациянинг коллегиял органлари ишида иштирок этиш;

- ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солини соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларига Федерациянинг тақлифларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- Федерация, уш берувчиларнинг Республика бирлишмалари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги Бош жамоа келишуви лойиҳасига ўз тақлифларини киритиш ва Федерациянинг ушбу йўналишдаги фаолиятида қатнашиш;

- Федерациянинг турли хил дастурларини ишлаб чиқиш ва жамғармаларини тузишда иштирок этиш;

- Федерация мулкидан фойдаланиш ва уни бошқаришда иштирок этиш;

- касаба уюшмалари кадрлари ва фаолларини ўқитиш, ўз фаолияти учун зарур ахборот олиш ва тарқатишда Федерация имкониятларидан фойдаланиш;

- касаба уюшмаси ходимларини ва фаолларини Федерация мукофотлари, нишонлари ва Фахрий ёрлиги билан тақдирлаш тўғрисида белгиланган тартибда тақлифлар, шунингдек, уларни Давлат мукофотлари ва фахрий ушбуларга тақдирлаш эътибори бўйича Федерация томонидан қўллаб-қувватлашни сўраб киритиш.



### 3.10. Аъзо ташкилотларнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Федерациянинг таъсис ҳужжатлари талабларини бажариш;
  - Федерация фаолиятини қўллаб-қувватлаш, унинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этиш;
  - Федерация органларининг маъжур Уставга мувофиқ қабул қилган қарорларини бажариш, шу жумладан Федерация раисининг тавсиясига биноан Федерация вакилини ўзининг Ижроия қўмитаси аъзоллигига киритиш;
  - Федерация, уни берувчиларнинг Республика бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида тузиладиган Бosh жамоа келишувининг бажарилишини қўмаклашиш;
  - Федерация ва унинг аъзо ташкилотлари манфаатларини камситадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик;
  - Ўз уставлари ва раҳбар кадрлари таркибидаги ўзгаришлар, қабул қилинаётган қарорлар ва амалга оширилаётган ҳаракатлар ҳақида Федерацияни хабардор қилиб бориш;
  - Федерация таъсис этган оммавий ахборот воситалари, унинг тасарруфидаги бошқа ташкилотлар фаолиятини қўмаклашиш;
  - Ўзлари бирлаштирган касба уюшмалари аъзолари сопи ҳақида маълумот, аъзоллик бадалларини ҳисоблаш ва тулаш билан боғлиқ мўлчан хисобот, бошқа статистик маълумотларни белгиланган шакл ва тартибда Федерацияга тақдим этиш.
- 3.11. Федерация органлари қарорларининг аъзо ташкилотлар томонидан бажарилмаслиги Федерация коллегиял органлари мажлисларида кўриб чиқилади, натижалари ва кўрилган чоралар ҳақидаги ахборот аъзо ташкилотларга юборилади.

## 4. ФЕДЕРАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

4.1. Федерация ўз фаолиятини қонунийлик, ихтиёрлик, камситишга йўл қўймаслик, мустакиллик ва ўзини ўзи бошқариш, тенг ҳуқуқлик, ошқоралик ва очиклик, адолат, коллегиялик, бирлик, бирдамлик, қуйидан юқоригача барча даражадаги касба уюшмалари органларининг сайлаб қўйилиши, қарорлар қабул қилиш чоғида мувозара эркинлиги, Федерация органлари қарорларининг аъзо ташкилотлар томонидан бажарилишини мажбурийлиги принципларига асосан амалга оширади.

### 4.2. Федерациянинг тузилмаси қуйидагилардан иборат:

- аъзо ташкилотлар;
- Федерациянинг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар вилоятлари (кейинги ўринларда "Ҳудудий кенгаш" деб юритилади);
- Федерациянинг штатдаги ходимлардан иборат аппарати.

### 4.3. Федерациянинг органлари:

- Федерация Курултойи – Федерациянинг олий раҳбар органи;



- Федерациянинг Бош кенгаши (кейинги ўринларда “Бош кенгаш” деб юритилади) – курултойлар оралиғида Федерациянинг доимий ҳаракатдаги коллегиял раҳбар органи;

- Федерациянинг Ижроия кўмитаси (кейинги ўринларда “Ижроия кўмита” деб юритилади) – Федерация фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширувчи коллегиял ижроия органи;

- Федерация раиси – фаолиятини яқкабошчилик асосида амалга оширувчи ижро органи.

- Назорат-тафтиш комиссияси – Федерациянинг коллегиял назорат органи.

4.4. Федерация органлари, Федерация раиси ва унинг ўринбосарларининг ваколат муддати 5 йил.

Курултойлар оралиғида Федерация органлари таркибига сайланган аъзоларининг, шунингдек Федерация раиси ва унинг ўринбосар(лари), Назорат-тафтиш комиссияси раиси лавозимларига сайланган шахсларнинг ваколат муддати навбатдаги Курултойгача.

Навбатдаги Курултойни чақиритиш имконияти бўлмаган тақдирда (фавқулодда ҳолатлар, карантин эълон қилинганда ва бошқа узрли сабаблар) Федерация органларининг, Федерация раиси ва унинг ўринбосарларининг, Назорат-тафтиш комиссияси раисининг ваколат муддати ўз-ўзидан узайтирилган ҳисобланади. Бу муддат бир йилдан ошгани мумкин эмас.

#### 4.5. Федерация Курултойи.

4.5.1. Федерация Курултойи беш йилда камида бир марта ўтказилади. Курултой Бош кенгаш қарори билан чақирилади. Уни чақиритиш, вакиллик нормаси ҳамда кун тартиби тўғрисида Курултой очилишидан камида икки ой олдин эълон қилинади.

Курултойга делегатларни сайлаш тартиби Бош кенгаш томонидан белгиланиши мумкин.

4.5.2. Навбатдан ташқари Курултой Бош кенгаш ташаббуси билан ёки аъзо ташкилотларнинг камида учдан икки қисмининг талабига биноан чақирилади. Бош кенгашнинг навбатдан ташқари Курултойни чақиритиш, вакиллик нормаси, кун тартиби тўғрисидаги қарори унинг очилишидан камида 15 (ўн беш) кун олдин эълон қилинади.

4.5.3. Курултой ҳужжатлари – қарорлар, резолюциялар, мурожаатномалар, баёнотлар, декларациялар шаклида қабул қилинади.

4.5.4. Федерация раиси, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари (жамоатчилик асосидаги ўринбосарлардан ташқари) Федерация Назорат-тафтиш комиссияси раиси Федерация Курултойининг делегатлари ҳисобланадилар.

#### 4.6. Курултой ваколатлари:

4.6.1. Курултой қуйидаги ваколатларга эга:

- Федерацияни қайта ташкил этиш ва тугатиш;

- Устав ва дастурий ҳужжатларни қабул қилиш, шунингдек, уларга қўшимчалар киритиш;



- Федерация Бош кенгаши ва унинг Назорат-тафтиш комиссияси фаолияти ҳақидаги ҳисоботларни эшитиш ва уни тасдиқлаш;

- Федерация раисини, Бош кенгаш аъзоларини сайлаш, белгиланган квотага мувофиқ аъзо ташкилотлар ва ҳудудий кенгашлардан тўғридан-тўғри вакил йўллаш принципига биноан сайланган Бош кенгаш аъзолари ваколатларини тасдиқлаш.

- Федерациянинг Назорат-тафтиш комиссияси таркибини сайлаш, унинг шизомини тасдиқлаш;

- Федерациянинг Назорат-тафтиш комиссияси раисини сайлаш;

- касба уюшмалари ҳаракатининг стратегиясини белгилаш ва бошқа муҳим масалалар бўйича қарорлар, биёлотлар, мурожаатномалар қабул қилиш;

- Федерация мол-мулкига эгаллик қилиш ва уни тўлиқ тасарруф этиш. Қурултой оралигида мол-мулкдан фойдаланиш, унга эгаллик қилиш ва тасарруф этиш бўйича қарорлар Бош кенгаш, унинг мажлислари оралигида эса Ижроия қўмита томонидан қабул қилиниши мумкин.

Ушбу банднинг 1-, 2- (Устав ва дастурий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишдан ташқари), 3-, ва 6- дефисларида қайд этилган масалалар Қурултойнинг мутлақ ваколатига кирди.

Қурултой Федерация фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ҳар қандай, жумладан Бош кенгаш, Ижроия қўмита ва Федерация раиси ваколатига кирадиган, масалаларни қўриб-чиқиш ва қарор қабул қилишга ҳақли.

#### 4.6.2. Қурултойга Федерациянинг Фахрий президенти сайланиши мумкин.

Бош кенгаш қурултойлар оралигида Федерациянинг Фахрий президентини сайлаш ҳуқуқига эга.

Бир вақтнинг ўзида фақат битта Фахрий президент бўлиши мумкин.

4.6.3. Қурултой қонун ҳужжатларига эид бўлмаган бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.6.4. Қурултой ўзининг мутлақ ваколатларига кирмайдиган масалалар юзасидан ваколатларни Бош кенгашга, Ижроия қўмитага, Федерация раисига бериши мумкин.

#### 4.7. Федерациянинг Бош кенгаши.

4.7.1. Аъзо ташкилотлар ва ҳудудий кенгашлар Бош кенгаш таркибига тенг миқдорда – инконтдан вақсини тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқига эга.

4.7.2. Вакиллари Бош кенгаш таркибига сайлаш, уларни чиқариб олиш ва янгиларини сайлаш Федерацияга аъзо ташкилотларнинг қурултойлари, ҳудудий кенгашларнинг конференциялари, устави (низоми) ишарда тўтилган ҳошларда бошқа ваколатли органлари томонидан амалга оширилади.

4.7.3. Бош кенгаш таркибига аъзо ташкилотлар ва ҳудудий кенгашлардан тўғридан-тўғри сайланган вакиллар, Қурултойда сайланган аъзолар, шунинг билан лавозимига кўра Федерация раиси ва унинг биринчи ўринбосари кирди.

Бош Кенгашнинг сон жихатдан таркибини Қурултой белгилайди.



4.7.4. Бош кенгаш мажлиси заруратга кўра, аммо бир йилда камидан бир марта чакирилади.

4.7.5. Бош кенгашнинг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- устада белгиланган вазифаларни ва Федерация Курултойининг қарорларини бажариш бўйича фаолиятни амалга ошириш;
- Федерация мулкига эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш (Бош кенгаш мажлислари оралиғида мазкур ваколат Ижроия қўмита томонидан амалга оширилади);
- лозим бўлганда Федерацияга аъзо ташкилотлар томонидан ўтказиладиган аъзоллик бадали миқдори, тўлов тартиби ва муддатини белгилаш;
- Курултой чакирини тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Бош кенгаш аъзолари ва аъзо ташкилотлар раҳбарларининг Федерация органлари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини тинчилаш;
- аъзо ташкилот томонидан Федерация таъсис ҳужжатлари, унинг раҳбар органлари қарорлари бажарилмаган, аъзоллик бадаллари ўз вақтида ва тўлиқ тўланмаган ҳолатларда ушбу ташкилотта хизмат кўрсатишни тўхтатиш ва унинг вакилларини Федерациянинг коллегиял органлари мажлисларида овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аъзо ташкилотнинг тегишли сайлаб қўйиладиган органларига мазкур ҳолат юзасидан тегишли чоралар кўриш юзасидан муурожаат қилиш;
- Федерация тизимида ягона молиявий сиссатни белгилаш ва мувофиқлаштириб бориш;
- Курултой оралиғида заруратга кўра ушбу Устанга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- Ижроия қўмитанинг сон таркибини белгилаш ва унинг аъзоларини Бош кенгаш ваколати муддатига сайлаш;
- Курултойлар оралиғида Бош кенгаш аъзоларини таркибдан чиқариш, сайлаш ва Бош кенгаш таркибига аъзо ташкилотлар ва ҳудудий Кенгашлардан янги вакил этиб сайланган аъзоларнинг ваколатларини тасдиқлаш, лозим бўлганда аъзо ташкилотлар ва ҳудудий кенгашлардан Бош кенгаш таркибига вакиллик меъёрига, Бош кенгашнинг сон жиҳатидан таркибига ўзгартириш киритиш;
- Федерациянинг халқаро фаолият стратегиясини белгилаш, унинг бошқа, жумладан, халқаро касаба уюшмалари бирлишмаларига аъзо бўлиши ва улардан чиқиши тўғрисида қарорлар қабул қилиш, Федерация ва аъзо ташкилотларнинг халқаро фаолияти принципларини белгилаш ва мувофиқлаштириб бориш;
- Федерацияга янги аъзо ташкилотларни қабул қилиш ёки уни аризага асосан чиқариш Ижроия қўмита томонидан рад этилган ҳолатларда мазкур ташкилотнинг ашсецияга аъзолигини кўриб чиқиш;
- Федерация раиси ўринбосарларини, шу жумладан, биринчи ўринбосарини сайлаш ва лавозимдан озод қилиш (Бош кенгаш мажлислари оралиғида Федерация



раиси ўринбосарларини сайлаш масаласи Ижроия қўмити томонидан ҳал қилиниши ҳам мумкин);

- зарурат туғилганда (жумладан, раис бошқа ишга ўтгани, саломатлиги ёмонлашгани, истеъфога чиққани туфайли ўл вазифаларини бажара олмай қолганда) Қурултойлар оралиғида Федерация раисини лавозимидан озод қилиш ва янги раисни сайлаш (бунга зарурат бўлмаганда эса унинг вазифасини биринчи ўринбосар бажаради);

- ҳудудий кенгашларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Федерация Бош кенгаши ва Ижроия қўмитасининг иш тартиби (регламенти)ни тасдиқлаш;

- Устав талабларига зид бўлмаган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Бош кенгаш ўз фаолиятида фақат Федерация Қурултойига 5 (беш) йида камидан бир марта ҳисобот беради.

4.7.6. Ўзининг айрим ваколатларини Ижроия қўмита, шунингдек, Федерация раисига бериши мумкин.

4.7.7. Бош кенгаш мажлислари Ижроия қўмита қарорига ёки Бош кенгаш аъзолари умумий сонининг камидан учдан бир қисмининг талабига қўра чиқарилади.

4.7.8. Бош кенгаш ҳужжатлари қарор, резолюция, баёнот ва мурожаатномалар шаклида қабул қилинади.

4.7.9. Бош кенгаш мажлисларини Федерация раиси, Федерация раиси иштирок этмаган ҳолларда эса Федерация раисининг биринчи ўринбосари, у ҳам бўлмаганда ўринбосарларидан бири олиб боради.

#### 4.8. Ижроия қўмита.

4.8.1. Ижроия қўмита аъзолари Бош кенгаш мажлисида Бош кенгаш аъзолари орасидан сайланади.

4.8.2. Федерация раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимига қўра Ижроия қўмита аъзоси ҳисобланади.

4.8.3. Ижроия қўмита мажлиси заруратга қараб, аммо ҳар чоракда камидан бир марта ўтказилади.

#### 4.8.4. Ижроия қўмитанинг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- иш берувчиларнинг республика бирлишмалари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан иқтисодий-иқтисодий сивсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи Бош жамoa келишуви лойиҳасини тасдиқлаш;

- меҳнатқашларнинг иқтисодий-меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларига доир масалаларни қопулиш ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда муетаҳсамлаш нзасидан таклифлар ишлаб чиқилиш;

- қисба уюшмаларининг иш берувчилар томонидан ходимларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидиги норматив ҳужжатлар, шунингдек жамoa шартномалари ва келишувлари талабларига риоя этилиши;



жамоатчилик назоратини иш ўринларида амалга ошириш борасидаги фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириб бориш;

- Федерациянинг меҳнат инспекциясини тузиш ва унинг Низомини тасдиқлаш;

- иктимоний-иктисодий дискурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда яншироқ этиш, шунингдек, касаба уюшмалари ҳаракатига доир бошқа муҳим масалалар бўйича қарорлар, резолюциялар, баёнотлар, мурожаатномалар қабул қилиш;

- иктимоний-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиядаги Федерациянинг мухтор вакиллари таркибини тасдиқлаш, комиссия билан ҳамкорлик қилиш;

- Бош кенгаш мажлисини чакориш, унинг қои тартиби ва ўтказиш жойи юзасидан таклифлар киритиш, муҳокама қилинаётган масалаларга оид материалларни тақдим этиш, Қурултой ва Бош кенгаш қарорларининг бажарилишини ташкил қилиш;

- Федерацияга янги ташкилотларни аъзоликка қабул қилиш, шунингдек, аъзоликни чиқиши масалалари бўйича қарор қабул қилиш;

- ўз ваколатлари доирасида аъзо ташкилотларнинг фаолиятига тегишли барчи йўналишлардаги ишларини мувофиқлаштириш;

- аъзо ташкилотларнинг касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш мақсадида тегишли бўлиномаларни тузиш, уларни молиялаштириш ва нтиларни белгилашга доир мурожаатларини кўриб чиқиш ва муносабат билдириш;

- аъзо ташкилотларнинг таклифлари асосида касаба уюшмалари картасини тасдиқлаш;

- Халқаро касаба уюшмалари бирлашмаларини таъсис этиш, шундай бирлашмалар аъзолигига кириш туғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек уларнинг органлари таркибига Федерация вакилларини йўллаш;

- касаба уюшмаларининг санатор-курорт, спорт, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш, маданий-маърифий, кадрлар малакасини ошириш муассасалари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;

- касаба уюшмалари ахборот фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;

- айрим кечиктириб бўлмайдиган (масалан, лавозимдан озод этиш ҳақида ариза берган, саломатлиги туфайли ўз вазифаларини бажара олмаган ва бошқа) ҳолларда Федерация раиси ўринбосарлари, шу жумладан, биринчи ўринбосарини лавозимдан озод қилиш;

- ҳудудий кенгашлар туғрисида нтиларини тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- Федерация тасарруфида ташкилотларни таъсис этиш, уларнинг йўналишларини (нтиларини) тасдиқлаш, қайта ташкил этиш, тугатиш, фаолиятларини мувофиқлаштириб бориш;



- аъзо ташкилотлар, ҳудудий Кенгашлар, Федерация тасарруфидаги ташкилотлар тақдимига кўра касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларини Давлат мукофотлари билан мукофотлаш ҳақида тегишли органларга илтимоснома киритиш;
- Федерация мукофотлари, низоми, Фахрий ёрлиги, Фахрий унвонларини таъсис этиш, улар тўғрисидаги низомлارни тасдиқлаш ва шунга муносиб деб тошилган номзодларни тақдирлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- касаба уюшмасига аъзолук билетининг ягона шаклини, шунингдек, Федерация рамзини тасдиқлаш;
- касаба уюшмалари фаолиятининг барча йўналишлари бўйича услубий тансиқлар ишлаб чиқиш;
- Федерация тасарруфидаги малака ошириш муассасаларида касаба уюшмаси кадрлари ва фаолларини ўқитиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, мазкур муассасалар фаолиятини йўналтириш ва мувофиқлаштириб бориш;
- касаба уюшмаларининг ягона кадрлар стратегиясини белгилаш;
- Федерациянинг кўчмас мулки (бинолар ва иншоотлар) реестрини тасдиқлаш;
- Бош кенгаш мажлиси оралиғида Федерация мулкига эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш, шу жумладан, Федерацияга фойдаланиш учун бегараз берилган объектлардан фойдаланиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш ва тасдиқлаш учун Бош кенгашнинг навбатдаги мажлисига киритиш;
- Федерация тизимида маданият, дам олиш, туризм, спорт ва бошқа объектларнинг қурилиши, реконструкция қилиниши, капитал ва жорий таъмирланиши, жиҳозланиши бўйича қарор қабул қилиш;
- тизимдаги ташкилотлар ходимлари ва раҳбарларини Федерация делегацияси таркибида хорижий хизмат сафарларига юбориш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- Федерациянинг касаба уюшмаси бюджети, даромадлар ва харажатлар сметаси, унинг bajarilishi тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;
- соғломлаштириш учун ягона ижтимоий туловдан ажратиладиган даромадлар ва харажатлар сметасини ва унинг bajarilishi тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;
- молниялаштириш Федерация томонидан амалга оширилган ҳолларда ҳудудий кенгашлар томонидан тақдим этилган касаба уюшмаси бюджети бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини маъқуллаш;
- мазкур Уставада кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун ўзи таъсис қилган ташкилотлар орқали тadbirkorлик, капитал қурилиш фаоллиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги тижорат фаолиятларини олиб бориш;
- мурожаат қилинган ҳолларда ваколати доирасида Федерация аъзо ташкилотлар ўртасидаги низоми кўриб чиқиш;
- касаба уюшмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида касаба уюшмаларини қайта ташкил этиш ёки бириктириш юзасидан аъзо ташкилотларни тақлифлар киритиш;



- Федерация тизимида ҳисобот-сайлов кампанияларини ўтказиш муддатларини мувофиқлаштирган ҳолда белгилаш;

- аъзо ташкилотлар томонидан ҳисоботлар топшириш тартиби ва даврийлигини белгилаш, иш режасига мувофиқ ёки заруратга кўра, Федерация аъзо ташкилотлари, ҳудудий кенгашлар ва тасарруфчилик ташкилотларининг фаолияти ҳақидаги ахборотларни тинглаш;

- ҳудудий кенгаш раиси Федерация раиси томонидан лавозимидан озод этилган таъсирда ҳудудий кенгашнинг янги раисини сайлаш куни тартиби билан кенгашнинг набатдан ташқари Конференциянинг чакирмиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- касба уюшмалари фаолияти йўналишлари бўйича вақтинчалик комиссиялар, ишчи гуруҳларни ташкил этиш;

- турли мақсадларга мўлжалланган жамғармаларни тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- Федерация аппаратининг тузилмаси, штатлар-жадвали, бўлим ва бўлимчалари тўғрисидаги инзомларни ҳамда иш режасини тасдиқлаш;

- Федерациянинг меҳнат инспекторлари томонидан тақдим этилган ахборотларни умумлаштириш ва ҳар йилнинг 1 майдан кечикмай Федерациянинг расмий веб-сайтида, зарур бўлган ҳолларда бошқа манбаларда эълон қилиш;

- Курултой, Бош кенгаш томонидан ваколат берилган бошқа вазифаларни бажариш;

- Федерация раисига ўзининг айрим ваколатларини бериш.

#### 4.9. Федерация раиси.

4.9.1. Федерация раиси Федерацияга раҳбарлик қилади, бир вақтнинг ўзида Бош кенгаш ва Ижроия қўмита раиси ҳам ҳисобланади.

4.9.2. Федерация раиси этиб Федерацияга аъзо бўлган касба уюшмасининг аъзоси сайланиши мумкин.

#### 4.10. Федерация раисининг ҳуқуқ ва вазифалари қўвчидагилардан иборат:

- Федерациянинг Устав бўйича вазифаларини, шунингдек, Федерация органлари қарорларининг бажарилишини ташкил этиди ва унинг олдда ҳисобдордир;

- давлат ҳокимияти органларининг, иш берувчиларнинг, улар бирлишмаларининг (иттифоқларининг, уюшмаларининг) очик ҳай'ат мажлисларида Федерация номидан иштирок этади;

- Федерация номидан ишончловмасиз иш қўради;

- Федерация раиси ўринбосарлари ўртисда вазифаларни тақсимлайди;

- Федерация Курултойи, Бош кенгаши ва Ижроия қўмитаси мажлисларини олиб боради (раислик қилади);

- Бош кенгаш ва Назорат-тафтиш комиссиясининг қўшиқча мажлисларини ўтказиш;

- зарур ҳолларда Федерация номидан баёнотлар бериш, тегини ташкилотларга мурожаатнома ва тақдирномалар юбориш;



- ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига таълуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Федерациянинг иштирокини таъминлайди;

- белгиланган тартибда Федерация билан келишиш учун киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имзолайди ёки ўз тақлиф ва эътирозларини билдиради;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва уш берувчиларнинг республика бирлашмалари билан ўзаро муносабатлар ҳақида келишувлар тузади, кейинчалик бу ҳақда Ижроия қўмитани хабардор қилади;

- белгиланган тартибда Федерация мулк ва унинг фойдаланишидаги мулкка эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишини ташкил этади;

- касба уюшмаси бюджетининг ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг соғломлаштиришга, маданий-маърифий, туризм ҳамда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ажратилган маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишини ташкил этади. Федерациянинг молиявий ҳужалик фаолиятини таъминлайди;

- ягона ижтимоий туловлардан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг соғломлаштиришга йўналтирилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланишни ташкил этади ва назорат қилади;

- Федерация раиси ўринбосарларини сайлаш ёки лавозимдан озод этиш бўйича Бош кенгашга (Ижроия қўмигага) таклифлар киритади;

- Федерация томонидан таъсис этилган ташкилотларга умумий раҳбарликни амалга оширади;

- чет эл хизмат сафарига юборилувчилар номзодини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

- Федерация номидан ишончнома беради;

- Ижроия қўмига мажлисини чақиради, муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан мажлисга материаллар тайёрлашни юзасидан кўрсатмалар беради, қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилади;

- Бош кенгаш ва Ижроия қўмига қарорларини имзолайди;

- Федерация аппарати фаолиятига раҳбарлик қилади, Федерация аппарати фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни (шун жумладан бўйича йўриқнома, ходимларнинг лавозим йўриқномалари (функционал вазифалари), ишлар номенклатураси ва ҳ.к.) тасдиқлайди;

- мазкур Устада белгиланган ваколати доирасида фармойишлар чиқаради;

- Федерация номидан ҳужалик ва бошқа турдаги шартномалар тузади;

- Федерация органилари ваколат берган бошқа лавозиларни бажаради;

- ташкилотларнинг раҳбарлигига ҳамда бошқа мансабдор шахсларнинг ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига таълуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш



тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритишга, шунингдек, ташкилотларнинг раҳбарларига мазкур қондабузарликларга йўл қўйган шахсларни иштиромий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритишга ҳасил;

- лозим бўлганда кўриб чиқилиши шарт бўлган, ходимлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тўққинлик қилувчи ёки уларни чекловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бундай ҳужжатларни ўз қучини йўқотган деб тониш зарурлиги тўғрисидаги тавсиялар ва ёзма сўровлар юбориши мумкин;

- Федерацияга аъзо ташкилотлар, Федерация ҳудудий кенгашларининг сайлаб қўйилмаган раҳбарлик лавозимларига номзодларни таклиф қилиш ҳуқуқига эга;

- Федерациянинг Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашлари (кейинги ўринларда Ҳудудий кенгаш деб юритилади) Конференциясида сайланган ҳудудий кенгаш раисини лавозимга тасдиқлаш тўғрисида фармойиш чиқаради.

Ҳудудий кенгаш раисига нисбатан иш берувчи ҳисобланади.

Конференциянинг ҳудудий кенгаш раисини сайлаш тўғрисидаги қарори билан келинмаган тақдирда Конференцияга ўзининг асосланган эътирозларини юбориб, қайта сайлов ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Бундай ҳолда қайта сайлов Федерация раисининг эътирози олинган кундан кейин 15 (ун беш) кундан кечикмай ўтказилиши шарт. Ушбу тартибда ўтказилмаган сайловда, раислик лавозимига тасдиқлаш рад этилган шахс қайта сайловга қўйилиши мумкин эмас.

Лозим бўлганда ҳудудий кенгаш раисини лавозимдан озод этилиш ва бу тўғрисида Федерациянинг Икромия қўмитасига ҳудудий кенгаш раисини сайлаш кун тартиби билан навбатдан ташқари Конференция чақиритиш учун таклиф киритади.

- Федерация аппарати ходимлари, шунингдек, тасарруфдаги ташкилотларнинг раҳбарлари (агар уларнинг низомларида назарда тутилган бўлса раҳбар ўринбосарлари ва бош ҳисобчилари) билан меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш, уларга рағбатлантириш ёки иштиромий чоралар кўриш тўғрисида ва бажарилиши шарт бўлган қонуний фармойишлар чиқариш ҳуқуқига эга;

- банк ва бошқа молиявий ҳужжатларга биринчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга;

- ўзининг айрим ваколатларини ўринбосарларига, ҳудудий кенгашлар раҳбарларига, шунингдек, тасарруфдаги ташкилотларнинг раҳбарларига бериши мумкин.

#### 4.11. Федерациянинг Назорат-тафтиш комиссияси.

4.11.1. Назорат-тафтиш комиссияси Федерациянинг коллегиял назорат органи бўлиб, Федерация тегишдаги ташкилотларда меҳнат тўғрисидаги қонуний ваколатчи норматив ҳужжатлар, Федерация устави, Федерация органлари қарорлари икромия текширилади, тифтлашдан ўтказилади ва назорат қилиди.

4.11.2. Назорат-тафтиш комиссияси ўз фаолиятида мустакил равишда ҳисобдордир.



4.11.3. Назорат-тафтиш комиссияси Бош кенгашининг ваколат муддатига тенг муддатга Курултойда сайланади. Назорат-тафтиш комиссиясининг фаолияти Курултой қарорига қўра ёки Федерациянинг фаолияти тўхтатилган тақдирда тўхтатилади.

4.11.4. Ўз фаолиятида мазкур Устав ва Курултой томонидан тасдиқланган Назорат-тафтиш комиссиясининг низомига амал қилади.

Федерация Бош кенгаши ва Ижроия қўмитаси аъзоси Назорат-тафтиш комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

#### 4.12. Федерация аппарати.

4.12.1. Федерация аппарати Федерация органларининг қарорларини амалга ошириш ҳамда Федерация раисининг топшириқларини бажариш мақсадида шакллантирилади ва доимий асосда фаолият юритади.

4.12.2. Худудий кенгашлар Федерациянинг юридик шахс мақомига эга бўлган аҳолида бўлинмалари ҳисобланиб, тегишли маъмурий-худудий тузилмаларда Федерация манфаатларини ифодалайди, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади.

4.12.3. Худудий кенгашлар Бош кенгаш қарори билан тузилади ёки тугатилади ва ўз фаолиятини мазкур Устав ва Ижроия қўмитга томонидан тасдиқланган Низом асосида амалга оширади. Худудий кенгашларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг раҳбар органларига доир талаблар, уларни танқид этиш ва тугатиш тартиби ушбу низомида белгиланади.

### 5. ФЕДЕРАЦИЯ ОРГАНЛАРИ МАЖЛИСЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛИ БЎЛИШИ, УЛАРДА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

5.1. Федерация Курултойлари уларга сайланган делегатлар умумий сонининг учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

5.2. Бош Кенгаш ва Ижроия қўмита мажлислари аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

5.3. Федерация органлари қарорлари, агар мазкур Уставда бошқа қоида белгиланмаган бўлса, қатнашаётган делегатлар ёки аъзоларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади.

Овоз бериш шакли Федерация органлари аъзолари томонидан белгиланади.

5.4. Федерация органлари мажлисларида муҳокама этилган масалалар тозасидан қарор қабул қилиниши ва баённома расмийлаштирилади.

5.5. Федерация коллегиял органларининг иш тартиби Бош кенгаш томонидан тасдиқланган Регламент асосида белгиланади.

5.6. Зарур ҳолларда Федерациянинг Курултойи, Бош кенгаши ва Ижроия қўмитаси мажлислари видеоконференсалоқа тартибида ўтказилиши мумкин.

5.7. Тезкор равишда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бўйича Бош кенгаш ва Ижроия қўмита қарорлари уларнинг лойиҳаларига розилик бодиси (қоса)



қўйиш орқали, жумладан, электрон рақамли имзо, почта, телеграф, телетайп, факс, электрон ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда, сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

## 6. МУЛК ВА МАБЛАҒЛАР

6.1. Федерациянинг мулки ва маблағлари аъзолик бадалларидан, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларинин соғломлаштириши учун ягона ижтимоий тўловдан йўналтирилган ажратмалар, қонушларда белгиланган тартибда талбиркорлик, хўжалик ва бошқа фаолиятдан олинган, Устав максалларига йўналтирилувчи даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий мулкий бадаллари ва ҳомийлик маблағлари, қонунда тақиқланмаган бошқа тушумлардан шакллантирилади.

6.2. Федерация қўшимча молиявий маблағларни ишлаб топши ва қолғусида улардан касабга уюшмаси аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, қўшимча иш ўринлари яратиш учун фойдаланиш мақсадида, белгиланган тартибда ишлаб чиқариш, хўжалик, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши, сугурта компанияси ва акциядорлик жамиятлари, мақсадли жамғармалар ва бошқа ташкилотларни ташкил этиши мумкин. Мазкур фаолиятдан тушган даромад аъзолар ўртасида тақсимланмайдиган ва Устав максалларига сарфланади.

6.3. Федерация мулкий объектларига бинолар, иншоотлар, ер участкалари, механизмлар, жиҳозлар, транспорт ва техник воситалар, инвентарлар, маданий-маърифий, таълим, жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш максалларига мўлжалланган мулк, тураржойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, пул маблағлари, шу жумладан, чет эл валютасиданги пул маблағлари, қимматли қогозлар, корхоналар ва хўжаликлар, оммавий ахборот воситалари, босмахоншалар, интеллектуал мулк; шунингдек, қонунчиликта тақиқланмаган бошқа мол-мулклар киряди.

Федерация мулкининг шаклини ўзгартириш, тасарруф этиш масаласи қонун билан ўрнатилган тартибда, мазкур Уставада белгиланган шартлардан доирасида Федерация органлари томонидан ҳал этилади.

6.4. Федерациянинг мулки дахлсиздир ва у қонун билан қўриқланади. Унинг мол-мулки национализация, реквизиция ва мусодара қилинмайдиган, бундан қонушда назарда тутилган ҳошлар мустасно.

6.5. Федерация мулкка шисбатан қонунга ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга, жумладан, қўшимча ва молиявий ёрдам маблағларини ажратишга, ўз мулкини ажратиб беришга, мулкка эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсларга беришга, қонунда мулкни гаровга қўйишга, ундан бошқача тарзда фойдаланишга ҳақли.



6.6. Федерация мулкни ишончли бошқарув учун бошқа шахсга (ишончли бошқарувчига) берилиши, мулкни ҳуқуқларнинг ўтишига асос бўлмайди, ишончли бошқарувчи Федерация манфаатларини ҳисобга олиб, мулкни бошқариши керак.

6.7. Федерация аъзо ташкилотларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, шунингдек, аъзо ташкилотлар Федерациянинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

6.8. Аъзо ташкилотлар Федерацияга берган мол-мулкни ва аъзолик бадалларига эгаллик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолмайдилар.

6.9. Федерациянинг асосий воситалари, шу, шу жумладан, чет эл валютасизлиги шу наблаглари бўлмиш мол-мулк унинг тасарруфидagi ташкилотларга оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилди ва Федерация ваколатли органининг розилигисиз сотилиши, ҳада қилиниши, бегирас берилиши ёки бошқа тизла бегонилантирилиши мумкин эмас.

## 7. ФЕДЕРАЦИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

7.1. Федерацияни қайта ташкил этиш, (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш, ўзгартириш) ёки тугатиш тўғрисидаги қарор Федерациянинг Курултойида қабул қилинади. Кворум мавжуд бўлган ҳолда Курултойда қатнашаётган делегатларнинг камидан учдан икки қисми ёқлаб овоз берганда, қарор қабул қилинган ҳисобланади.

7.2. Федерацияни қайта ташкил этиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

7.3. Федерацияни тугатиш ҳақида Курултов томонидан қарор қабул қилинган тақдирда Федерация Курултойи қонунчилида белгиланган тартибда тугатиш комиссиясини тайинлайди, шунингдек, кредиторлар талаби қаноатлантирилгандан сўнг қолган мулкни Федерация устанига мувофиқ қайси мақсадга йўналтиришни белгилайди.

7.4. Федерация фаолиятини тўхтатиш, шунингдек, Федерацияни тугатиш қонунда белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилиши мумкин.

Федерациянинг фаолиятини давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар ташаббусига кўра тугатишга йўл қўйилмайди.

7.5. Тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келинган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

## 8. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР

8.1. Федерация органларига, Федерациянинг сайлаб қўйилган лавозимларига сайланган муносабати билан ишлаб чиқаришдаги ишдан оқол эгилган шахслар, шунингдек, Федерация ишарати ҳолимлари муносабатлари мисол тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатнинг бўйича тартибга солинади.



8.2. Сайлаб хўйиладиган лавозимларга сайланган ходимлар билан ваколат муддатига (мазкур уставнинг 4.4.-банди биринчи ва иккинчи қисмлари қондаларини эътиборга олган ҳолда) меҳнат шартномалари тегишли орган ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

8.3. Федерация ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

8.4. Федерация юридик шахс ҳисобланиб, ўз муҳри, штамп ва бланклари, банкларда ўз ҳисоб рақамларига (шу жумладан, миллий ва хорижий валютада) эга.

8.5. Федерация белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ўз рақамлари (тими соли)га эга бўлиши мумкин.

8.6. Федерациянинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари Уставда белгиланган ваколатлар доирасида Федерация органлари ва мақсаддор шахслари томонидан амалга оширилади.

8.7. Устав қондалари талқинини бериш Бош кенгашнинг, унинг мажлислари оралиғида Ижроия қўмитанинг мутлақ ваколатига киради.

8.8. Уставга киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қайта рўйхатдан ўтказилади.

8.9. Мазкур Устав талабларини бажариш Федерация тизимидаги ташкилотлар учун мажбурийдир. Ушбу Устав қондаларини Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас.

8.10. Мазкур Устав бўйича юқори турувчи орган қарор қабул қилишда бўйсунув бўйича қуйи турувчи орган ваколатларига доир масалаларни ҳам ҳал этиши мумкин.

Юқори турувчи орган бўйсунув бўйича қуйи турувчи органнинг қонуи ва мазкур Устав талабларига зид қарорларини қайта кўриб чиқиш учун тегишли орган ёки ваколатли шахсга юбориши, коллегиял органлар ваколатига доир масалалар юзасидан эса унинг навбатдан ташқари йиғилишини белгиланган тартибда чақирishi мумкин.

8.11. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда қуйи турувчи органнинг қонуи ва Устав талабларига зид қарорлари юқори турувчи орган томонидан қisman ёки тўлиқ бекор қилиниши мумкин.

8.12. Федерация билан аъзо ташкилотлар, аъзо ташкилот билан ҳудудий кенгаш, шунингдек, аъзо ташкилотлар ўртасидаги ушбу устав ҳамда аъзо ташкилотнинг (ташкилотларнинг) Уставларини қўллаш, уларнинг талқини бирасида юзага келадиган баҳсли масалалар Ижроия қўмитанинг қарори билан тузладиган апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон насаба уюшмалари  
Федерацияси раиси

  
Қ.Рафиқов





Handwritten text in Cyrillic script, possibly a signature or name, located in the upper right area of the document.

